



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (12.962)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · MUSTAQILLIK
24
O'ZBEKISTON

Албатта, жаҳон —
кенг, дунёда
мамлакат — кўп,
лекин бу оламда
бетакрор она
юртимиз,
Ўзбекистонимиз —
яккаю ягона.

Ислом КАРИМОВ



Истиқлол, ислоҳот, истиқбол

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК?

Эртага янада янги марраларни эгаллашимиз — муқаррар

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улугъ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Ўтган 24 йил мобайнида биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни ўйласак, аввало: «Ким эдиг-у, ким бўлдик?» — деган ҳаётий саволга жавоб излаймиз. Кўнгил бунинг ўзи билангина таскин топмайди, чунки табиий равишда эртага янада янги марраларни эгаллашимиз муқаррар эканлигига қомил ишонч билан қараймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги шу йилнинг 17 июлида қабул қилинган Қарори ҳар биримиздан мустақиллигимизнинг ўтган даври ҳақида чуқур ва атрофлича муҳокама-мушоҳада юритишга, бугунги фараҳ-бахш ҳаётимизни кечаги кунимизга қиёслаб, юртимиз раванакидан фараҳланишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан йўлаган табриғида айнан: «Биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» — деган даъват, авваламбор, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафларига бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот ахлига дахлдор эканини барчангиз ахши тушунасиз», — деган эди.

Мустақиллик биз учун, биринчидан, миллий давлатчи-лигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-ким-матимизни тиклаш; иккинчидан, урф-одат ва анъанала-римизни, муқаддас ислом динини, буюк аждодларимиз-нинг табарруқ номларини улуғлаш; учинчидан, соғлом ва баркамол янги авлоднинг шаклланиши бўйича илгари та-саввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берди.

Бу уч йўналишда амалга оширилган эзгу ишларни са-наб, адоғига етиш — қийин. Мазкур Қарор бу борадаги энг муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишга ундайди:

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъ-мурий-буйруқбошлик тизимидан, бирёқлама ривожланган но-чор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номаъмул модел-лардан бутунлай воз кечиш, машҳур беш тамойилга асос-ланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танилаб олди ва дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожла-ниш стратегияси асосида реал натижаларга эришди.

Яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисоди-ётнинг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхона-лари ташкил этган мамлакатимиз бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чи-қариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда са-наотнинг улуғлиги 25 фоизга етган, экспортбор ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиқроқ юкори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарий 9 баробар ошди, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиий электроника, фармацевтика, юкори технологиялар-га асосланган озиқ-овқат ва тўқумачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривож-и учун кенг йўл очиб берилди, бугунги кунда фермер ҳўжа-ликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90 — 92 фои-зини ишлаб чиқараётганидан ташқари, қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олган қудратли ижтимо-ий-сиёсий ҳаракатга айланиб борапти.

1990 йили мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, суг ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган

бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилапти, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, суг ва суг маҳсулотлари — 1,6 карра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 карра кўпайди ва шу тариха бу борадаги ислохотларнинг амалий тасдиғи сифатида эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб борапти.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда, умуман, мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқаряпти, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75 — 77 фоизи меҳнат қилляпти, юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф, яъни мулкдорлар синфи жамият таянчига айланиб бораётди.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсу-лот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсди ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдини ташкил эт-моқда, бу эса айни йўналишдаги амалий ишларимизнинг яқол самараси ҳисобланади.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йил-дан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётди, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурлар алоҳида ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди, улар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимо-ий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва со-циал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик ҳара-жатлар изчил оқиб бормоқда, биринчи 2014 йилда бу ра-қам 60 фоиздан ортиб, ишлар мазкур йўналишда олиб бо-риллаётган кенг қамровли ишларимизнинг мангитий натижа-сига айланиб бораётди.

Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгалла-ган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб ишларни чиқарган янги авлоднинг тарбия-лаш мақсадига улкан йўналган амалга оширилди, жумладан, фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар му-сика ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шу-ғулланипти, шу тариха соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қонда-сига айланиб бораётди.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, юртимизда ҳўм сураётган тинч ва осийишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини ас-раш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мус-таҳкамлаш, турли минтақа ва ҳўдуудларда ҳавф-хатар ва таҳ-дидлар тобора кўайиб бораётган таҳликали замонда доимо оғоҳ, сергак ва ҳўшёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни яна-да ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаёт-ган энг муҳим ва долзарб вазифамиз ҳисобланади.

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳам-жамияти томонидан кенг эътироф этиляпти. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мам-лакатимиз 5-ўринни эгаллади. Шунингдек, Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия универси-тети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асо-сида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватани-миз 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Дав-

латлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни олди. Буларнинг бари юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатла-ри таъминланаётганини кўрсатади.

Биз кўлга қиритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омил ва мезони шуки, бунинг замирида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати ётибди, одам-ларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кўайиб бораётди.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, биз дунёдаги тарихан буюк тараққиёт босқичларини бо-сиб ўтган халқимиз. Араб истилосига қадар ҳам бу кўна юртимизда жўда катта ривожланиш юз берган. Кейинги IX — XII, мўғул босқинидан сўнг буй кўрсатган XIV — XV асрлар таъмаддун (цивилизацияси) даражасини кўз олдимизга кел-тирайлик. Бу икки даврда халқимиз тараққиётда дунёнинг олди ўринларидан бирини эгаллаб турган.

Аммо юртимиз XVI асрдан эътиборан тараққиётда орт-да қолди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, қарий бир ярим асрга қўзилган истибод даврида Ўзбекистони-миз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани, халқнинг руҳи топталангани, қадди букилганини тасаввурга келтириш қийин эмас.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан таоман бу ҳўққдан маҳрум қилиб ташланди. У ҳамма масалада ўша маҳдуд му-ҳида яшаш, мустақилчиликнинг қошу қовоғига қараб иш кўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта ҳомиёси етказиб бе-ришга мослаштирилган, пахта яккахомлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Чўнки иқтисодиёт-нинг «олтин» қондаси шуки, ҳеч қачон ҳомиё сўтган бой бўлмади. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган 5 миллион тоннадан ортиқ пахтанинг аттиги 8 — 10 фоизгина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр ҳомиёни қайта ишлаган бегона ҳўду-ларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис қўз олдимизга келтириш учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 1990 йил 4 июнида қайд этиб ўтилган мана бу маълумот-ларга диққат қилайлик:

«...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифодаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида ту-рибди. ...Хар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромадда ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса — иттифодаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ ҳўжалигидаги меҳнат унум-дорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Ис-публикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари респ-убликада қайта иттифок даражасининг аттиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсу-лотларини истеъмоли қилиш жиҳатидан иттифокдаги республи-калар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, суг ва суг маҳсулотларини, тўқумни, умуман, мамлакат аҳоли-сига нисбатан икки баробар кам истеъмоли қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуғли мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллион-га яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни тола олмаёпти».

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урил-ди. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисmini ўзбеклар ташкил этиши, бошқа миллатлар вакилларидан иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишга қарамай, ўзбек тили ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Ҳатто, ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги диссертациялар ҳам рус тилида ёзилиб, ёқланар эди. Шўро даврида миллат аввал арабий, кейин лотин, ундан сўнг эса кирилл ёзуви асосидаги алиф-боларда савод чиқаришга мажбур қилинди. Мақсад — халқни ўз ўзларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тариха унга тарихини унуттириш эди. Муқаддас динимиз бадном қилинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зиёратгоҳ ва қадимчиликларимиз топталди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча
мамлакатлардан
олинган суғвни
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда ўтказилган «Ёш тадбир-кор — юртга мададкор» республика тан-ловининг вилоят босқичида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 120 нафар ёш тад-биркор ўз бизнес режаси билан ишти-рок этди. 10 нафар истиқболли лойиҳа соҳиби танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳўқуқини кўлга киритди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли туманидаги Тахиятош болалар уйи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Капитал реконструкциядан кейин замонавий қиёфа касб этган болалар уйининг асо-сий биносига қўшимча равишда икки қаватли маъмурий бино, спорт зали бунёд этилди. Болалар майдончасига замонавий ўйинчоқлар, аттракционлар ўрнатилди.

● Фарғонада «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси-га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Бухорода «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» республика танловининг ви-лоят босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро ви-лояти кенгаши, Ўзбекистон Савдо-сано-ат палатаси вилоят ҳўдудий бошқарма-си ва тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 130 нафар йигит-қиз иштирок этди. Танлов дои-расида қатнашчилар учун уч кунлик ўқув-семинар ташкил этилиб, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналиш-ларида машғулотлар, тажрибали тад-биркорлар томонидан маҳорат дарсла-ри ўтказилди. Ёшларнинг ишбилармон-лик соҳаси бўйича билими ҳамда ўз биз-нес режасини тақдим қилишдаги маҳо-рати баҳоланди.

ЖАҲОНДА

● Samsung ва Apple компаниялари уяли алоқа операторлари билан элект-рон SIM-карталар чиқариш бўйича му-зокаралар олиб бормоқда.Бундай SIM-карта «мобиль куллик»дан қутулишга им-кон беради: телефондан SIM-картани чиқариб ўтирмасдан операторни бема-лол алмаштириш мумкин бўлади. SIM-карта смартфон, планшет ёки бошқа гаджетнинг ўзига ўрнатилган бўлади. Янги технологияни бутун дунёдан кўплаб уяли алоқа операторларини бириштир-ган GSM уюшмаси жорий этмоқчи.

● Хитойлик шифокорлар ноёб опера-цияни амалга оширди. Улар гидроце-фалия хасталиги билан касалланган уч ёшли қизнинг ҳаётини сақлаб қолди. Хан Ханнинг миёсидан сув тўплалиши оқибатида унинг боши одатдагидан тўрт мартага катталашди. Тиббиёт ходимла-ри 3Д-принтер ёрдамида титан тўридан ушда имплант ёрдамида яратиб, уни бе-мор бош суяги ўрнига жойлаштирди. Қизча бошидаги ортикча сувни олиб ташлаш учун ўтказилган операция 17 соат давом этди.

● Дубайда Wi-Fi тарқатадиган ва мо-биль телефонлар батареясини қувват-лантирадиган ақлли «пальма»лар пайдо бўлди. Кўёш батареялари билан жиҳоз-ланган қурилмалар кун бўйи кўёш энер-гиясини тўплаб, кечқурун ишлай бош-лайди. Хар бир «пальма»да телефон-ларни зарядлаш учун саккизтадан жой бор. Улар орқали мобиль телефонлар уйдаги оддий зарядловчи қурилмалар-га нисбатан икки баробар тезроқ қув-ват олади. Шунингдек, «даракх» 100 метр радиусда Wi-Fi тарқатади. Қурил-маларга видеокузатув камералари ҳам ўрнатилган.

(Давомии. Боши 1-бетда)

Холбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдирига суяган ҳолда равақ топади.

Нихоят Мустақиллик шарофати билан республика-миз иқтисодийи кескин даражада ўсди. Бу эса, аввало, аҳолининг ялпи реал даромадларининг кўпайишига олиб келди. Сўнгги 10 йил мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмадани келмоқда.

Бугунги кунда ҳар учта оиланинг бўрттаси – енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оилага ўртача 80 тадан кўп ҳодидиллик, 150 тадан ортққ телевизор тўғри келяпти.

Бундай ютуқларнинг адоғи йўқ. Хўш, уларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз санъати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатновни йўлга қўйилди. Дастлаб фақат чоршанба ва шанба кунлари қатнаган мазкур поезд кейинчалик ҳар кунни юрадиган бўлди. 215 йўловчини таший имконига эга бу поезд 2 соатда манзилга етди. Хозир ҳар кунни 2 та поезд шу йўналиш бўйича қатнаётди. Бу замонавий теъжорат электропоезди ҳаракатини Бухорога олиб бориш учун қатта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурилди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довои. 1998 йили бошланиб, қисқа муддатларда фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга.

Шу маънода, давлат ҳудудий ҳаётлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш – Қамчиқ довои бўлди, деб баралла айта оламиз. Бу стратегик аҳамиятга эга буюк иншоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилиб, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Шу тариқа мамлакатнинг шарқи коммуникатив жихатдан мустақимланди.

2016 йилга бориб ана шу Қамчиқ довои бўйлаб замонавий темир йўл ишга туширилади. Хозирги пайтда бу ерда кечасио қуназди қизғин иш кетаяпти. Ангрендан Ерпа, Полдан эса Ангрен томонга қараб қурилиш давом эттириляпти. Бунёд этилаётган янги темир йўл кун сайингана эмас, соат сайин бир-бирига яқинлашиб, масофа тобора қисқариб борапти.

Ўзбекистонимизнинг шимолида жойлашган ички минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маъмул даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёқда борадиган темир йўл Туркменистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чиққандан кейин қўшни давлат қўчалари узар нақ бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ўтказилар, қолаверса, ҳар бир вагон учун бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий – Учқудуқ – Султонувойстоғ – Нукус темир йўли ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдиқ, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарь билан Сурхондарь вилоятлари – ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд Туркменистон ҳудудидан соатлаб юриши керак эди. 2007 йилнинг августда жами 223 километрни ташкил этган Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон йўли ишга туширилди.

Шу тариқа жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маъмул уландиларига эришди.

Биз эришяётган ютуқларни дунё кўриб, қилиб турибди. Кейинги йилларида Ўзбекистонимизда долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда халқаро конференциялар ўтказиш яхши анъананага айланди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ишлаб чиққан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг баъза соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотлар амалга оширилляпти. 2011 йилнинг 22 – 23 апрель кунлари Тошкентда бу борада Ўзбекистон таърибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни амалга оширишнинг юксак самарадорлигини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 46 мамлакат ҳамда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг 200 дан ортққ вакили иштирок этди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик қўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётида муносиб ўрин олиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 13 апрелдаги, «2009 – 2013 йилларида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу ишлар қилинди.

2011 йилнинг 26 ноябрь куни Тошкентдаги «Маърифат маркази» мажмуасидаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофиза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди.

1991 йилдан буюн мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч баравар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволлаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббий ходими тўғри келиши керак. Мамлакатимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Шу ва бошқа ҳисобларга бўйича Ўзбекистонимиз «Save the children» («Болаларни асрайлик») ташкилоти томонидан тўзиган жаҳон рейтингидан болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта ғамхўрлик қўрсатилган энг илгор етакчи 10 мамлакат қаторига киритилди.

2012 йил 12 – 14 сентябрь кунлари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий таъдиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Иштирокчилар мамлакатимизда кичик бизнес ва кичик таъдиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлиқнинг тахсинга сазовор эканини қайд этишди.

2012 йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида жами 900 та турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2013 йил улар сонини 1050 тага етказиш учун ҳаракат олиб борилаётган, бунинг учун йил давомида банклар томонидан 83 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган эди. Шунинг учун ҳам 2013 йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкентда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омил» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтгани бежиз эмас эди. Унда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, 60 дан ортққ мамлакатдан 300 дан ортққ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Унда Ўзбекистонимизнинг бу борадаги буюк таърибаси ўрганилди. Конференция иштирокчилари, Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу сазй-ҳаракатларини бошқаларга ибрат бўлишга арзийди, деб тан олишди.

Аҳолининг яримдан кўпроғи қишлоқ жойларида истикомат қилади. Чиндан ҳам, бугун туман марказларигана эмас, ҳатто, қишлоқларимиз ҳам замонавийлашиб, тобора обод ва гўзал бўлиб борапти.

Ўтган 2014 йилда 11 мингта янги намунавий турар жойлар барпо этилди.

Ҳар қандай мамлакат камоли комплекс ҳолдаги тараққийётни талаб этади.

Дунёда таълим тизимига сарфланган маблағ, ҳеч қачон зое кетмайдиган капитал, деб ҳисобланади.

Бу борада 1997 йилдан буюн изчил амалга ошириб келинаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумимиллий дастури алоҳида аҳамият касб этди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг қатта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгариллаб боришида мустақам пойдевор яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгиллаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти. Президентимизнинг 2011 йил 20 майда имзоланган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам шу йўлдаги сазй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу Қарор асосида 2011 – 2016 йилларида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

2012 йил 16 – 17 февраль кунлари Тошкентда халқаро ҳамжамияти Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, билимни ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпаланган бой таъриб ва билан кенг таништириш мақсидида «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатини барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди. Конференциянинг асосий ҳужжати – резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: «Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислох қилиш дастури мамлакатимизда

Хўш, Ер юзидан нечта давлат бор?

Жаҳонда хозир қатта-кичик жами 252 мамлакат бор. Албатта, улар турли асосларга кўра муайян ўринларга ажратилади.

Улар орасида Ўзбекистонимиз нечанчи ўринда туради?

Ер майдони жихатдан Ўзбекистонимиз жаҳоннинг 55-мамлакатига ҳисобланади. Аҳолининг сонига қараб бўлинишга келсак, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича янада юқорирок, яъни 42-ўринда.

Дунёда мамлакатларга халқининг башарият умумта-раққийети, яъни тамаддунига қўшган ҳиссасига асосланган ҳолда ўрин ажратиш таърибаси ҳам бор. Бу – айнан маънавият дегани.

Кўнча тарих мобайнида башарият тамаддуни раванакига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар эса у қадар кўп эмас.

Халқнинг башарият тамаддунига қўшган ҳиссасини, шартли равишда, маънавият деб олсак, бу жихатдан биз Ер юзининг олди давлатлари сафида эканимиз аёнлашади. Маънавиятнинг одамийлик, одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, поклик, меҳр-мурувват жихатлари инобатга олинса, дунё аввал бизга етиб олсин, дейдиган даражада буюк маънавиятга эга халқимиз.

Президентимизнинг 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ аллоmaları ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилган маблағлар бўйича мамлакатимизнинг дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб тургани маълум қилинди.

Инсон капиталининг тараққийёт даражаси бўйича Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллаб турибди. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилган маблағлар бўйича мамлакатимиз Ер юзида 5-ўринни эгаллайди.

Еш мустақил давлат учун бу кўрсаткичлар жуда юқори даражада ҳисобланади, албатта. Шунинг учун ҳам Юрбошимиз мазкур нутқиди бу борада шундай деди: «Биз бундай ҳар томонлама асосланган таъдиркорлик олиб бориб, умумий ҳуқуқларни қиқариш билан шугулланадиган илмий-таълилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали, деб ўйлайман ва биз ана шундай

Истиқлол, ислохот, истиқбол

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БҮЛДИК?

Эртага янада янги марраларни эгаллашимиз – муқаррар



да янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган «Ўзбек модели»нинг ажралмас тарқийб қисми экани алоҳида таъкидланди. Халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги таърибасини ўрганиш бўйича танланган ва муқоама таърибдан маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилиди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омиллари ҳаммамизни қувонтиради.

2013 йил 18 мартда Президентимизнинг «Жиззах маҳсул индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу Навоий ва Ангрендан кейинги учинчи шундай эркин иқтисодий ҳудуд бўлди. Сирдарё вилоятидаги Сирдарё туманида Жиззах маҳсул индустриал зонасининг филиали ҳам очилди. Бундай зоналар иқтисодий тараққийётга, янги иш жойларини яратишга омил бўлади, мамлакатимизга ҳорижий инвестициялар киришини кучайтиради.

2013 йилнинг 20 – 23 ноябрь кунлари Тошкентда Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йиллиги бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун кўплаб ҳорижий мутахассис, олим ва экспертлар мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу йиллиқнинг айнан бизнинг юртда ўтказилгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ муқобил энергиядан фойдаланишни кучайтириш, бу борадаги илмий изланишларни кўлаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳорижийлар Ўзбекистоннинг муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлашди. Бу борада катта халқаро ҳамкорликлар режалари тузилди.

Юрбошимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда «Ўрта асрлар Шарқ аллоmaları ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилган маблағлар бўйича мамлакатимизнинг дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб тургани маълум қилинди.

Инсон капиталининг тараққийёт даражаси бўйича Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллаб турибди. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилган маблағлар бўйича мамлакатимиз Ер юзида 5-ўринни эгаллайди.

Еш мустақил давлат учун бу кўрсаткичлар жуда юқори даражада ҳисобланади, албатта. Шунинг учун ҳам Юрбошимиз мазкур нутқиди бу борада шундай деди: «Биз бундай ҳар томонлама асосланган таъдиркорлик олиб бориб, умумий ҳуқуқларни қиқариш билан шугулланадиган илмий-таълилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали, деб ўйлайман ва биз ана шундай

юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб, ҳаракат қиламиз...».

Тарих, аввало, бугун учун керак. Бутун инсоният, демократи, ҳар бир халқ ҳам ўз ўтмишини ҳуқуқсиз қиқариб, аждодлар меросидан бевосита фойдаланиб яшайи лозим.

1997 йилдан буюн ҳар икки йилда бир бор Самарқандда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали бой ва қадимий мусикий маданиятимизни жаҳонга қўз-қўз қилишнинг бир воситасига айланди. 1997 йили бу фестивалда 31 давлат вакиллари иштирок этган бўлса, 2013 йили ўтказилган тўққизинчи фестивалда 53 мамлакатдан меҳмон келди. Бу йилги фестивалга 60 дан зиёд давлат санъаткорлари тақлиф юборган.

Ўзбек миллий маданиятининг қатор феноменлари ЮНЕСКО инсоният оғзаки ва номоддий мероси Бутунжаҳон рўйхатига киритилди. 2001 йили Бойсун маданий ҳудуди шу рўйхатдан ўрин олди. У ерда халқ ижодиётининг барча турлари ажойиб тарзда сақлаб қолingan. 2003 йили Шашмақал шу рўйхатга лойиқ қўрилди. 2009 йили бу мўъжаз таркиб Фарғона водийси катта ашуласи билан тўлдирилди. Шунингдек, худди шу 2009 йили Наврўз ЮНЕСКО инсоният оғзаки ва номоддий мероси Бутунжаҳон рўйхатига киритилди. 2010 йили эса БМТ 21 мартни Наврўз халқаро кунини деб эълон қилди.

Истиқлол йилларида биргина пойтахтимизда амалга оширилган эзгу ишларни қўз олдимизга келтирайлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: «Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизда юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва маънавий-маърифий марказидир. У – қудратли сановат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларини ўзиди муқаммас этган йирик мегаполиси», – деган эди.

Айнан мустақиллик йилларида пойтахтимизда таъмон ўзгача мазмун-моҳият касб этди, жаҳон мисқисда ўзига хос ва мос обрў-эътибор қозонди, у халқ ва Ватан тарихида беқиёс ўрнига эга бўлди. Унинг таъмонан ўзига хос, нузли саҳуфалари бошланди. Пойтахтимиз шаънига айтиладиган Шарқ дарвозаси деган юксак таъриф фақат Истиқлол йилларидагина ўзини тўла оқлади. Бугунги Шарқни дунё ахли Тошкентсиз тасаввур қила олмайди. Минтақамиз, машриқзамин мамлакатлари муаммолари, ҳатто, жаҳоннинг кўп-қўш глобал масалалари айнан Тошкентда ҳал этиладиган бўлиб қолди. Шу тариқа Тошкент жаҳон ҳамжамиятининг муҳим сиёсий ҳалқасига айланди.

Тошкент – мамлакатимизнинг энг йирик маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. У, хусусан, мамлакат иқтисодиётида улкан маъке тутади. Чунки Ўзбекистонимиз ишлаб чиқаришнинг 20 фоизи – бугун пойтахт зиммасида.

Истиқлол йилларида Юрбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнаомлигида Мустақиллик майдонининг умумманзараси тубдан ўзгартирилиб, у таниб бўлмас даражада чирой очди, янги мазмун ва моҳият билан бойиди, атрофида не-не гўзал, улугвор, замонавий бинолар қад ростлади.

Мамлакатимизда 69 та олий таълим муассасаси ҳамда 7 та халқаро университет ва институтлар филиали мавжуд. Жами 76 университет ва институтдан 27 таси – Тошкентда. Шуларнинг 7 таси – дунёдаги нуфузли олий таълим муассасаларининг биздаги филиали.

Хозирги пайтда Тошкент фавворалар шахрига айланди. Бугун бу ерда жами 46 та фаввора ишлаб турибди.

Ўзининг иссиқ кунларида улар атрофида маза қилиб ҳордиқ чиқараётган қишларининг кўнглидан, албатта, ажиб шукроналик туйғуларни кечади. Шундай сўлим гўшада яшаётганимиз учун ҳам ҳар биримиз ўзимизни бахтли ҳис этишга тўла ҳақлимиз.

Кичик халқ йўлининг ўтказилиши, метронинг Юнусобод йўналишининг фойдаланишга топширилиши, маҳаббатли Минор масжидининг қад ростлаши, янгида қад кўтариб, асрларни асрларга улашга чоғланган бошқа қанчадан-қанча иморатлар амалда истиқлол шарофатидан, далолат бериб турибди. Шу тариқа шахримиз миллий ва замонавий талабларга мос равишда таъмонан янги қиёфа касб этиб бораётди.

2009 йил шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйига тўёна сифатида қисқа фурсатда Амир Темур жиёбони мажмуасининг тарқийб қисмига айланган салобатли «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи қуриб битказилди.

2011 йили Навоий кўчасида «Маърифат маркази» мажмуаси бунёд этилди. Бу маҳаббатли бинода Симпозиумлар саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жойлашган. Ушбу улкан қошаона пойтахтимиз марказидаги Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакорр иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яқлит композицияни ташкил этди.

2012 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида замонавий талаблар асосида 34 минг ўринли «Бунёдкор» стадиони фойдаланишга топширилди.

Шаҳардаги мавжуд 11 туманда жами 475 та маҳалла бор. Ана шу маҳаллалар ҳудудларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш каби эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ободонлиги бўйича узққни кўзланган бунёдкорлик сиёсати олиб борилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъёрлар бўйича шаҳарлар ҳудудининг қаммида 15 – 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда аҳолининг тоза нафас олиши, мўътадил иқлими сақлаб туриши мумкин бўлади. Бугун Тошкентимизнинг эса нақ 15 минг гектари яшилликдан иборат. Бу умумий майдоннинг 30 фоизини ташкил этади. Демак, айни жихатдан амалдаги меъёрларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорликка эга эканмиз.

1991 йили киши бошига бор-йўғи 21 квадрат метр яшил майдон тўғри келган бўлса, хозир бу кўрсаткич 70 квадрат метрни ташкил этади. Бу ҳар бир кишининг тоза нафас олиши учун имконияти қарийб уч ярим ҳисса ортганидан далолат беради.

Ўзбекистон истиқлолини боғларини обод қилишдан бошлади, дейиш ҳам мумкин. Чунки 1991 йили Бешёғоч даҳасидаги кўл атрофида жойлашган боғ обод этилиб, Ўзбекистон миллий боғига айлантирилди ва у ана шу «Алишер Навоий йили»да улуг шоир ва мутафаккир номи билан юртилибдиган бўлди. Эски шаҳарда жойлашган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи замонавий талаблар асосида обод қилинди. Мустақиллик майдони амалда ям-яшил зонага айланди. 1999 йили Мустақиллик майдони ҳудудида Хотира майдони, 2000 йили Бўзсув ёқисида «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси бунёд этилди. Мирзо Улуғбек, Бобур ва Фахур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғларининг қиёфаси ҳам таъмонан янгиланди.

Истиқлол даврида қадимдан шундай буюк шаҳарлар, дунёнинг дурдонаси бўлиб келаятган меъморий обидалар бунёд этган халқ яна қайтадан қандай шаҳарозолик салоҳиятига эга эканини намоён этиш имконига эга бўлди ҳамда аждодларига муносиб яратувчилик намунасини кўрсатди. Ўзбекистон Миллий боғидаги Олий Мажлис, Мустақиллик майдонидаги Сенат, Эски шаҳардаги Хастимоҳ мажмуалари, Ўзбек миллий либослар галереяси, Болалар ижодиёти маркази, Юнусободдаги Ўзбекистон миллий банки, Бўзсув соҳилидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси

«БОТАНИКА» БОФИГА БОРИНГ

кайфиятингиз кўтарилади

Ёз чилласи авж паллага чиқди. Барчани соя-салқин масканларга чорламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти тасарруфидаги Тошкент «Ботаника» бофига борган киши ёз жазирасини гўёки унутгандек бўлади. Боғнинг умумий майдони 68 гектардан иборат бўлиб, бешта географик минтақага бўлинган. 40 гектар майдон дендрофлорага ажратилган бўлиб, ўсимликларни жойлаштиришда ботаник олим Энглер систематикасига асосланган. Эндем, йўқолиб кетаётган, «Қизил китоб»га киритилган, манзарали, доривор, озиқ-овқат саноатида фойдаланиладиган, озуқа турига кирувчи ўсимликлар дунёси хилма-хиллиги, мафтункорлиги ва фойдали жиҳатлари билан боққа ташриф буюрувчиларнинг диққат-этиборини тортади.

Боққа секин одимлаб кирган киши Шимолий Америкадан келтирилган сарви, ёгли ёнғоқ, Европа минтақасининг қорақайиғи, фундуғи, каштанбаргли эман дарахтларини кўриши мумкин. Узоқ Шарқ бўлмасида бўйи 28 метрни ташкил этадиган ва 20 йилда гуллайдиган фелодендрон, сохта чинор баргли заранг мавжуд. Манзарали ўсимликларнинг 1000 дан зиёд, дарахт ва буталарнинг 2 мингта яқин, доривор ўсимликларнинг 350 тури боққа ташриф буюрувчиларга эстетик завқ бағишлаб, кайфиятни кўтаради.

— Боғ нафақат дам олиш маскани, балки ўсимликшунослик бўйича тадқиқот олиб бораётган ёш мутахассислар учун тадқиқот майдони ҳамдир, дейди ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти директори, биология фанлари доктори Комилжон Тожибаев. — Республикамининг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларини кўчалар, зорлаштириш эҳтиёжи мавжуд. Жорий йилда ташкил қилинган

«Молекуляр биология ва биотехнология» лабораторияси тадқиқотчилари кўча ва хибонларга кўрк бағишловчи манзарали ўсимликларни клонал кўпайтириш, илдиз отдириш, морфологик тузилишини ўрганиш бора-сида илмий тадқиқот олиб боришмоқда.

Маълумотларга кўра, дунёнинг 140 та мамлакатидида худди шундай баҳо ва манзарали боғ бор. Тошкент «Ботаника» боғи раҳбарияти мавжуд флора олами имкониятларини инсон манфаатларига йўналтириш, халқаро тажрибалар асосида ўсимликлар дунёсининг сир-синоатини ўрганиш мақсадида 200 та муассаса билан ҳамкорлик ўрнатган. Ўзаро тажриба алмашиш бошқа давлатлардан ўрганиш ва ўз навбатида биздаги мавжуд материалларнинг ҳамкорлар томонидан ўзлаштирилиши учун шарт-шароит яратди.

Яқинда боққа Астрахань фармацевтика институтида таҳсил олаётган 3 нафар ўзбекистонлик талаба ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун келди. Улар бу ерда юртимиз флора оламининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиши, коллекция йиғиши ва келажакда диплом ишини ҳимоя қилишда фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, бу ерга республика «Баркамол авлод» экология ва ўлкашунослик маркази тўғрақларига қатнайдиган, ижод қилишга мойиллиги бор болалар келиб, борлиқни кузатиш ва ранг-баранг расмлар чизишади.

Беш қитъа мўъжизаси жамланган очик осмон остидаги музей «Ботаника» боғи ёши, касби, миллатидан қатъи назар, ҳамма-хаммани ўзига чорлайди. Табиий гўзалликдан баҳра олган кишининг эса саломатлиги жойида бўлиб, ишига барака ёғилади.

Хулкар КУЗМЕТОВА



Ислом Имомйилов олган сурат

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Пойтахтимизнинг Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Биз бир халқмиз!» деб номланган дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шoirлар, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити Ўзбекистонда инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада

юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мустақиллигимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал раванг топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Фестивалда санъат усталари, миллий маданият марказлари бадиий, фольклор-этнографик жамоалари ижросида тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, мустақиллигимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги улкан гамхўрликни ҳамда беғубор ва салимий туйғуларни тараннум этувчи қуйиқўшқлар янгради.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 25 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Миробод тумани СИБ томонидан, 2015 йил 5 июнь кунини 10-1510/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Хамал кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий майдони 67820 кв.м., фойдаланиш майдони 11180 кв.м. бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич нархи 14 146 747 797 сўм.

II. Миробод тумани СИБ томонидан, 2015 йил 8 апрель кунини 1-36/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккачинор кўчаси, 10/1-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 161,80 кв.м., яшаш майдони 98,85 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 486 406 616 сўм.

III. Юнусобод тумани СИБ томонидан, 2015 йил 16 февраль кунини 1-52/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 15-даҳа, 24-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 65,18 кв.м., яшаш майдони 45,50 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 82 278 831 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 июндаги 147к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 17 июлда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13а-уй манзилида жойлашган, маъмурий бионинг умумий майдони 330 кв.метрга тенг бўлган бино қисми, бошланғич баҳоси – 893 245 272 сўм, сотилиш баҳоси – 955 000 000 сўм.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Хурматли мижозлар,
«Ўзбектелеком» АКнинг
«ТШТ» филиали
Сизга маълум қиладики:

«Ўзбектелеком» АК «ТШТ» филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш мақсадида, ишлаб чиқилган чора-тадбир режасига мувофиқ, Шайхонтохур телефон боғламаси 246-ЭАТСида янги қурилма ишга тушиши муносабати билан жорий йилнинг июль ва август ойларида мазкур ЭАТС рақам сиғимларини маълум бир қисмида режалари қайта улаш ишлари амалга оширилади.

Ўтказиладиган қайта улаш ишлари жараёнида алоқда ва интернет хизматида қисқа муддатли узилишлар кузатилиши мумкин, етказилган ноқулайликлар учун аввалдан узор сўраймиз.

Қайта уланишга тегишли бўлган манзиллар:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бўстон, Ўзбекистон, Ф. Абдуллаев маҳаллалари;

Олмазор тумани, Чигатой оқтепа, Беруний, Мирза Ғолиб маҳаллалари;

Мурожаат учун телефон: 246-21-70, 229-04-25

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Мирзо Улуғбек транспорт касб-хунар коллежи қуйидаги вакант (бўш) бўлган умумтаълим ва умумкасбий фан ўқитувчилари лавозимига танлов эълон қилади:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Умумтаълим фан ўқитувчилари лавозимига		
	Тарих ва миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари	
	Инглиз тили	
	Биология	
Умумкасбий фан ўқитувчилари лавозимига		
	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	
	Автомобилларда ташишни ташкил этиш	
	Автомобиль ва двигателларни диагностика қилиш	
	Йўл ҳаракати қоидалари	
	Махсулот сифатини стандартлаштириш	
	Транспортларда ташиш ва юк ташишни ташкил этиш	
1	Мирзо Улуғбек Транспорт касб-хунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-уй

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси қуйидаги таълим муассасасида вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1	Олмазор Политехника касб-хунар коллежи	Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй

Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (объективка-справка)
2. Таржимаи ҳол
3. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси
4. Илмий даража ва илмий унвони

(мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари

5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
 6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат
 7. Паспорт (нусхаси)
 8. Тавсифнома
 9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй. Телефон: 246-74-16.

Умумтаълим фан ўқитувчиларининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, умумтаълим фанлар ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Умумкасбий фан ўқитувчиларининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, махсус фанлар ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
2. Таржимаи ҳол;

3. Олий маълумоти ҳақида диплом нусхаси;

4. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

7. Паспорт (нусхаси);

8. Тавсифнома;

9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-уй. Тел: 268-99-38, 286-19-49

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖда 2015 йил 6 июлда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижалари

Тошкент шаҳар филиалида 6.07.2015 йилда савдолари ташкиллаштирилган: 1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган, «Maxsusenergontontaj» унитар корхонасига қарашли, умумий майдони 1048,0 кв.м. бўлган литер 0001 таъмирлаш механик цех биноси, умумий майдони 82,0 кв.м. бўлган литер 0007 ёқилги (ГСМ) сақлаш омбори ва умумий майдони 11,0 кв.м. бўлган литер 0008 ёқилги (ГСМ) сақлаш омбори, бошланғич баҳоси – 1 465 579 301 сўм, сотилиш баҳоси – 1 516 000 000 сўм.

Олмазор Политехника касб-хунар коллежи ўз ошхона буфетини 2015-2016 ўқув йилларида ижарага бериши тўғрисида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар 20 июлдан 10 августгача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй. Тел: 246-68-57, 246-74-16.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Улуғбек» шаҳарчаси Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 1-уйда жойлашган 27-сон Болалар музика ва санъат мактаби маъмурияти 2015 йил 14 август кунини мактаб биносидида умумий овқатланиш хонасига ажратилган 23 м квадрат жой учун танлов ўтказилаётганини маълум қилади.

Аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Мирзо Улуғбек тумани, «Улуғбек» шаҳарчаси, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 1-уй. Тел: 289-36-34, 289-24-56.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39.

Манзил: 32-уй, 2-қават,

Матбуотчилар кўчаси, 225-хона.

Дунё миқёсида анъанавий маданият ва санъат байрамига айланиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали нафақат соҳа вакиллари, балки оддий куй-қўшиқ ихлосмандлари қалбидан ҳам чуқур жой эгалламоқда.



«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ — ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Мазкур фестивалнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган ўзинчи — юбилей анжумани яқинлашгани сайин унга тайёргарликнинг боришига оид хабар-мақолалар жаҳон оммавий ахборот воситаларида тез-тез кўзга ташланапти.

Хусусан, Германиянинг «Fair-news.de» ва «Berliner blatt.de» ахборот порталлари, Латвиянинг «Болтиқбуйи йўналиши» журнали, «Baltic News Service» англичанлар хизмати, Бельгиянинг «Uzbekistan Profile» бюллетени ҳамда бошқа кўплаб оммавий ахборот воситалари ушбу мавзуга мурожаат этган.

Улар мазкур фестивалда нафақат дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатидан келадиган иштирокчилар, балки турли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашаётганини ўқувчиларига маълум қилган. Масалан, 2013 йилги анжуманда ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова, Халқаро мада-

ния ва санъат уюшмаси бош қотиби Куо Ли Мин, Халқаро фольклор иходиёти ташкилоти бош қотиби Мун Хонг Сук, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси Чен Шенглай, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Хонг Ван Ли иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Латвия оммавий ахборот воситалари эса жорий йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Латвия, Литва ва Эстония мусиқа гуруҳлари ҳам қатнашишини маълум қилмоқда. Шунингдек, Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ҳам бу мавзуга тез-тез мурожаат этаётди. Мисол учун, «AMI Trend», «Gumilev-center», «Day.az», «EthnoGlobus», «Turkish Forum» сингари электрон порталлар саҳифаларидаги ўндан зиёд хабар-мақолалар-

да Ўзбекистонда ушбу халқаро анжуманга кўрилаётган қизгин тайёргарлик, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти, унинг халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, асрий мусиқа анъаналарини асраш ҳамда маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришдаги ўрни хусусида атофлича фикр юритилган. «Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бу фестивал санъат ва маданият тараққиётига, турли миллат ҳамда элатлар вакиллари билан жипслашувига, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Фестиваль нуфузи унинг иштирокчиларига кўтаринки кайфият, ижодий илҳом бахш этаётди», дея таъкидлади Озарбайжон оммавий ахборот воситаларида. Шу билан бирга, юртимизда кўҳна тарих ва замонавийликнинг ўзаро

уйғунлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Хусусан, ёзилишича, «Самарқанддаги Регистон майдонининг ноёб меъморий обидалари ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Мадарсалар деворларидаги ёзувларда эса мўъжизалар яширин».

Тобора яқинлашиб келаётган ушбу халқаро форум Хиндистон ва Хитой оммавий ахборот воситаларининг ҳам эътиборидан четда қолгани йўқ. Масалан, Хиндистондаги «NRI Achievers» журналининг электрон саҳифасидан жой олган мақолада «Шарқ тароналари» жаҳоннинг нуфузли мусиқа форумлари орасида муносиб ўрин эгаллаши алоҳида қайд этилган.

«Женьминь жибао» газетаси, «Синьхуа» ахборот агентлиги, Хитой Ахборот-интернет маркази, Хитой халқаро радиоси сингари оммавий ахборот воситаларида эса «Шарқ тароналари» фестивалининг иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилган.

«Агар «Шарқ тароналари»нинг 1997 йили бўлиб ўтган биринчи анжуманида Регистон майдонида 31 мамлакат вакиллари йиғилган бўлса, 2013 йили мазкур фестивалда дунёнинг 53 давлати санъаткорлари қатнашди. Жорий йилда эса бу ерга дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан санъат намояндалари келиши кутулаётди», дея ёзилади Хитой оммавий ахборот воситаларида.

«Жаҳон» АА.

Ёз — 2015

БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИ ОШМОҚДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида тумандаги «Қорасарой» маҳалласида «Ёш рассомлар» ҳамда «Моҳир кўллар» дарслари ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги «Тараққиёт», «Бўстон», «Гуручарик», «Қорасарой» ҳамда «Чуқурсой» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 72 нафар ўқувчи-ёшлар билим ва маҳоратларини оширишди.

Маҳорат дарслари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши қошида ёшлар учун ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»нинг малакали ўқитувчилари томонидан ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби тадбирлар ёз мавсуми давомида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни касбга йўналтириш, иқтидорларини намойён қилишларида кўмаклашди ҳамда маънавий ҳордиқ олишларида хизмат қилади.

Мирзүфар ШАРИПОВ

ФАОЛ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёзнинг серқуёш ва оромбахш кунлари инсонга хушқайфият улашади. Айниқса бу фаслни болажонлар интиқлик билан кутади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан 243-сонли умумтаълим мактаби қошидаги «Бойчечак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Спорт — соғлиқ гарови» шiori остида «Мен спортни танладим» мавзусида стол тенниси бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди.

Ёз фасли болажонлар учун ўзгача шодлик ва шукҳ олиб келади, — дейди «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раис ўринбосари Илҳом Камолов. — Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри, унумли ва самарали ташкил этиш, уларни ўз орзу-интилишлари, қизиқиши ва лаёқати бўйича ўзи хоҳлаган соҳага йўналтириш, ёз фаслида мароқли дам олиш ва янги ўқув йилига куч-ғайрат тўплашлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан йил давомида болажонларга янги ўқув йилига куч тўплаши учун турли хил кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, акциялар ўтказилиши анъанасига айланган.

Спорт мусобақалари келажаки ёрқин тасвирлашга интилаётган болажонларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишларида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишлари ҳамда соғлом фарзанд бўлиб, юртимиз байроғини юқори чўқиларга кўтаришларидаги пиллаво бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

«Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болажонлар иштирокида ташкил этилган мусобақада ғолибликни қўлга киритган ҳамда мусобақада фаол иштирок этган болажонлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги мактаблар қошида ёзги оромгоҳлар ташкил этилган.

Жумладан, Миробод туманидаги 263-мактабда ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар мириқиб дам олишмоқда. Бу ерда болажонлар учун турли хил фан тўғрисидаги ҳамда спортнинг футбол, бадминтон, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича тўғраракат малакали мураббийлар қўл остида самарали фаолият олиб бормоқда.

Эътиборлиси, оромгоҳда деворли ҳар кун спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Болажонларнинг футбол, бадминтон, шахмат, шашка ҳамда стол теннисига қизиқишлари кучли эканлигини ушбу мусобақаларнинг кўтаринки руҳда ўтаётганлиги ҳам исботлаб турибди. Оромгоҳ тарбияланувчилари ўртасида ташкиллаштирилган бу каби спорт мусобақаларида ғолиб чиққанлар рағбатлантиришмоқда. Бу болалар ўртасида спортнинг янада оммалашishi муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз)



кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 июль кунги Тош-

Тошкент шаҳрида кенг шаҳрининг об-ҳаво 23 июль кунги ҳаво ўзгаришлари ҳақида зарарли моддалар бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. тади, ифлосланиш дара-Харорат кечаси — 21-23, жаси наст бўлади.

Спорт ангилликлари

ЎҚУВ-МАШГУЛОТ ЙИГИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентда 19-26 июль кунлари навбатдаги ўқув-машгулот йиғинларини ўтказадиган бўлди.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг бош мураббийси Самвел Бабаев машгулот йиғинларига мамлакат миллий чемпионатида иштирок этадиган 24 нафар футболчини жалб этган. У бошчилигидаги миллий терма жамоамизнинг илк расмий учрашуви 3 сентябрда бўлиб ўтади. Унда миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида саралаш баҳсларининг иккинчи босқичи гуруҳ беллашувида Яман терма жамоаси билан куч сынашади.

Яқинда «Локомотив» клуби Англия куйи дивизиони вакили «Флитвуд Гаун» билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

Клуб матбуот хизмати хабарига кўра англиялик ҳамкорлар Тошкентда «Локомотив» — «Навбахор» ҳамда «Локомотив» футбол мактаби тарбияланувчилари ва биринчи лига жамоаси «Локомотив — БФК» ўртасидаги назорат баҳсини томоша қилишди. Кувонарлиси, «Локомотив» тарбияланувчилари иштирокидаги учрашувда иштирок этган дарвозабон Рустам Нортонжеев ва ҳимоячи Сергей Прохоровнинг хатти-ҳаракатлари

англиялик мутахассисларга маъқул бўлган. Энди «Локомотив» тарбияланувчилари Рустам Нортонжеев ва Сергей Прохоровлар август ойида Англияга йўл олишди ҳамда «Флитвуд Гаун» сафига қўшилишди. Августнинг ўзидаёқ бу икки ҳамюртимиз янги жамоа таркибиди «Манчестр Юнайтед», «Ливерпуль», «Эвертон» сингари машҳур клублар ўринбосарларига қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича вазни 60 килограммгача бўлган яримпрофессионал (АРВ) чарм қўлқоп усталари ўртасидаги турнирнинг биринчи босқичи иккинчи учрашуви боксчимиз Хуршид Тожибоевнинг ғалабаси билан якунланди.



Темур Мамадаминов олган сурат

ХУРШИД ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз бокс федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Халқаро хаваскор боксчилар уюшмаси — АIBA ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Россия, Германия, Бразилия, Италия, Ирландия, Филиппин ва Бенин Республикасидан келган тажрибали боксчилар ғолиблик учун бахшланди.

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазир Б.Ахмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида бокс ҳам жадал тараққиёти эътиборини таъкидлади.

— Ўзбекистонда мазкур мусобақанинг дастлабки учрашувлари жуда юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш зарур, — деди турнир супервайзери Луиз Боселли (Бразилия). — Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, ҳар қандай нуфузли спорт анжуманини ўтказиш борасида катта тажриба тўплаганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчилари

рини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»-ги Қарори-га мувофиқ Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машгулот йиғинларини ўтказиш, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қўлай шарт-шароит яратилмоқда.

АРВ — АIBAнинг яримпрофессионал боксчилар йўналиши бўлиб, мазкур йўналишдаги мусобақалар боксчиларга Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини беради. Унда ҳар бир вазн тоифасида саккизтадан боксчи ўзаро тўртта баҳсда қатнашади ва энг кучли икки нафари чемпионлик унвони учун рингга чиқади.

АIBA турнирнинг вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги биринчи босқич учрашувларида мезбонлик қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига топширди. Мазкур боксчиларнинг иккитасида ғалаба қозongan боксчи эса 2016 йилги Олимпия ўйинларида қатнашиш имконига эга бўлади. 30 май кунги бўлиб ўтган дастлабки учрашувда ҳамюртимиз Хуршид Тожибоев ирландиялик Дэвид Жойсни мағлуб этган эди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтган иккинчи учрашувда ҳам боксчимиз муваффақият қозонди. Россиялик Дмитрий Полянскийга қарши рингга чиққан Хуршид Тожибоев бу сафар ҳам рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Саккиз раунд давом этган баҳсда кучли зарба, мустаҳкам ҳимоя ва юқори техникага эга боксчимиз ишончли ғалабага эришди ва 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Мусобақада ғалаба қозониб, мураббийларим, спорт мухлислари ва халқимизнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман, — дейди Хуршид. — Бундай нуфузли спорт анжуманларида юқори натижаларга эришаётганимиз Президентимиз томонидан ёшларга, спортчиларга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайлидир. Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор куч-ғайратимни аямайман.

АРВ турнири биринчи босқичининг учинчи учрашувлари 19 сентябрь кунги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

пиеда юрмайсиз, дам олиш деганда телевизор томоша қилишни тушунасиз.

Буларнинг бари тиббиётда «хатар омиллари» деб аталади. Ана шу омиллардан ҳатто биттасини барта-раф этсангиз, касаллик хавфини анча-мунча ортга че-кинтирган бўласиз.

Маълумки, инфаркт ва инсульт касалликлари томирларга тромб тикилиб қолишдан келиб чиқади. Миокард инфарктида тромблар тож (коронар) артерияда, ишемик инсультда эса мия томирлари тикилган бўлади. Тромб қон лахтаси бўлиб, томир деворига ёпишиб олади. У мия ёки юрак томирларини тикилтириб, маълум бир қисмини қондан маҳрум қилади.

Ҳаммага маълум аспирин тромбларга қарши энг кўп қўлланиладиган дорилардан биридир. Мутахассисларнинг айтишича, аспирин қабул қилиш аёлларда ин-фаркт қайталаши хавфини 25 фоизга, тақрорий ин-сульт хавфини эса 22 фоизга камайтиради.

Статинлар гуруҳидаги дорилар ҳам юрак қон-томир касалликлари қарши кенг ишлатилади. Улар орга-низмда холестерин миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Феруза ЮНУСОВА,

II Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Саломатлик

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Бутун дунёда юрак қон-томир касалликлари ўлимга олиб келувчи энг асосий сабаблардан бири саналади. Бу дардлардан ҳар йили минглаб эмас, миллионлаб одамлар азият чеқмоқда. Шифокорларнинг таъкидлашича, юрак қон-томир касалликлари бизнинг нотўғри турмуш тарзимиз оқибатидир. Демак, уларнинг олдини олга бўлади.

Баъзан миокард инфаркти ва инсультни кўққисдан, яъни қутилмаганда хуруж қиладиган касаллик деб ата-шади. Аслида ҳам шундайми? Бундай кўнгилсиз оқибатларга олиб келадиган ўзгаришлар организмда йиллар давомида содир бўлади, бемор эса қон боси-мининг мунтазам ошиши, нафас қисиши, жисмоний ёхуд руҳий зўриқиш пайтида кўкрак қавасидаги сиқи-лиш ва шу каби хавфли белгиларга эътибор бермай юраверади. Ваҳоланки, организмнинг ана шу сигнал-ларини эътиборсиз қолдирмаслик керак.

Сизга келажақда юрак қон-томир касалликлари хавф солиш-солмаслигини билиб олишингиз қийин эмас. Бу-нинг учун қуйидаги саволларга ҳолисона жавоб беринг. Ортиқча вазнингиз борми, чекасизми, кўп ичасиз-ми, қон босимингиз ошиб турадими, қонингизда холестерин, глюкоза кўпайганими, ёғли овқатларни кўп, ўсимлик клетчаткаси сероб бўлган маҳсулотларни (мева-сабзавотлар) камроқ тановул қиласизми?

Ўзингизни жисмонан нофаол деб айта оласизми? Масалан, ҳар доим лифдан фойдаланасиз, ҳеч қачон

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, жуманба, чоршанба,
пайшанба ва шева кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Тошириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 18.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ